

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

“Шеробод пахта тозолаш” АЖ  
акциядорларининг 2022 йил “23” июндаги  
умумий йиғилиши қарори билан



**“Шеробод пахта тазолаш” акциядорлик жамияти  
акциядорларнинг умумий  
йиғилиши түғрисидаги  
НИЗОМ**

**2022 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “Шеробод пахта тазолаш” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) акциядорларининг умумий йиғилиши мақомини белгилайди ва унинг ишини, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилинишини тартибга солади.

1.2. Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига, Корпоратив бошқарув кодексига ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Жамият Кузатув кенгашининг раиси, у бўлмаган тақдирда эса, Жамият Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

1.5. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Жамият Уставига мувофиқ ҳар июнь ойида ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамият Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи(кейинги ўринларда – директор деб юритилади), коллегиал ижроия органи аъзолари (кейинги ўринларда – Бошқарув деб юритилади), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ўриб чиқилади, Жамиятнинг жорий йилга мўлжалланган бизнес-режаси ва бошқа хужжатлари қонун хужжатларига кўра тасдиқланади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.7. Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси ва тартиби, уни ўтказиш тўғрисида акциядорларга маълум қилиш шакли, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборот) рўйхати Жамият Кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

## II. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига қўйидагилар киради:

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчи (тугатиш комиссияси) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамият Устав фондини (капиталини) кўпайтириш, агар Уставга асосан ушбу ваколат Жамият Кузатув кенгашига берилмаган бўлса;

Жамият Устав фондини (капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини сотиб олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, унинг ижроия органини тузиш, раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорларнинг вакили бўлиб қатнашаётган ижроия органи аъзоларининг ижроия органи аъзоларини сайлаш бўйича овоз бериш хуқуqlарини чеклаб қўйиши мумкин;

Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) аъзоларини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш; шунингдек Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Корпоратив Кодекс тавсияларига амал қилиш мажбурияти тўғрисида қарор қабул қилиш, Кодекснинг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганда, "comply or explain" (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этиш;

Ички назорат тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар тўқнашуви вақтидаги ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиш;

ахборотларни махфий ахборотлар, тижорат сирлари ва акциялар нархининг ўзгаришига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар тоифасига киритишнинг аниқ мезонларини тасдиқлаш;

тармоқ хусусиятининг ўзига хослиги, рақобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узок муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида қисқа муддатли (йиллик) ва ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режаларни

тасдиқлаш, агар Уставга асосан ушбу ваколат Жамият Кузатув кенгашига берилмаган бўлса;

ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва таҳлил натижаларини эшлиш;

Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш хуқуқини факат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун хужжатларида белгиланган доирада (соф активлар микдорига боғланган ҳолда ёки бошқалар), бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда бериш;

Жамият мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини профессионал асосда амалга ошириш, қонун хужжатлари, Жамият Устави ва бошқарув органи қарорларидан келиб чиқувчи барча мажбуриятларни вижданан ва оқилона бажариши тўғрисидаги талабларни тасдиқлаш;

Кузатув кенгashi аъзолиги учун номзодларга малака талаблари, шу жумладан, устав капиталида давлат улуши бўлган Жамиятда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан берилган корпоратив бошқарувчи малака аттестати мавжудлиги талабларини белгилаш, (қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

Жамият ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати)нинг Кузатув кенгashi, акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар кўмитаси (агар мавжуд бўлса) ва акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини тасдиқлаш;

Кузатув кенгashi аъзоларининг мукофот пули микдорини Жамият молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлаш тартибини тасдиқлаш;

Ижроия органини жамиятнинг акциядорлари ва инвесторлари билан ўзаро самарали ҳамкорлиги механизmlарини жорий этиш учун зарур ички хужжатларни қабул қилиш;

Кузатув кенгashi мажлисларини сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек, видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини (регламентини) белгилаш;

Жамиятнинг фойдаси ёки заарларини тақсимлаш;

Жамият Кузатув кенгashi ва Тафтиш комиссиясининг (тафтищининг) ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг хисоботларини ва Тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшлиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашига мукофот ва компенсациялар микдори тўғрисидаги, соф

фойдани, кўзда тутилаётган дивидендлар миқдорини асослаган, уларнинг Жамият дивиденд сиёсатига мувофиқлигини баҳолаган, (зарурат туғилгандан соғ фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжларига йўналтиришни тушунтирган ва иқтисодий асослаган) ҳолда тақсимлаш тўғрисидаги ахборотларни эшлиши;

Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни, ҳамда инфратузилмавий облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш; қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини ва/ёки инфратузилмавий облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли хукуқни қўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конуенинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конуенинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва иириклиштириш;

Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустакил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлик битимларни белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конуенинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

конун хужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар Жамият ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, куйидаги масалалар бундан мустасно:

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш

билин боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар ва/ёки инфратузилмавий облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини ва/ёки инфратузилмавий облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 75-моддаси биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошига мувофиқ Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

2.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг мансабдор шахсларига корпоратив бошқарув Кодекси тавсияларига риоя этмаганлик ёки Кодексда назарда тутилган ахборотларни ошкор этмаганлик учун жавобгарлик чорасини ўрнатишга ҳақли.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш йўли билан овоз бериш тартибини тасдиқлайди.

### **III. УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ҚАТНАШИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ**

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар фактат рўйхат тузилган санада мазкур рўйхатга киритилмаган шахсларнинг бузилган хуқуқлари тикланган ёки уни тузишда йўл қўйилган

хато тузатилган тақдирда қонун хужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.3. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида Жамият акциядорлари рўйхатида қайд этилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Жамият аудитори, Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга бўладилар (Кузатув кенгашини ва Жамият назорат органларини сайлаш бўйича овоз бериш бўллетенига киритилган номзодлар муҳокама қилинганда, шунингдек яккабошчилик ҳуқуқи асосидаги ижроия органини ва Жамиятнинг коллегиал ижроия органи раҳбарини тайинлаш бўйича кўрсатиб ўтилган шахсларни ҳам таклиф этиш тавсия этилади).

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари зарур.

3.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа хужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач, амалга оширилади.

3.6. Жамият акциядори бўлган юридик шахс раҳбари Акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий хужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат асосида амалга оширади.

3.7. Акциядор юридик шахснинг вакили Акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг имзоси билан ёки бунга таъсис хужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.8. Жамият акциядорларининг реестрига мувофиқ қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати тартибга солинган, рақамланган, тикилган ва Жамият муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.

3.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишида акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо чекадилар ва Жамият акциядорлари реестри маълумотлари бўйича белгиланган ҳар бир акциядорнинг овоз берувчи акциялари сонидан келиб чиқиб, овоз бериш учун бюллетеңлар тўпламини оладилар.

3.10. Агар йиғилиш катнашчиси бир ёки бир неча акциядорнинг манфаатларини ифодалашга ишончнома тақдим этса, у ҳолда унга у манфаатини ифодалаётган акциядор (акциядорлар) учун овоз беришга бюллетең берилади, қайд этиш рўйхатида эса у ифодалаётган акциядорнинг

фамилияси қаршиисига "\_\_\_\_\_ та (сони) овоз берувчи акциялар бўйича  
"\_\_\_\_\_" да берилган ишончнома бўйича" деган ёзув қайд этилади ҳамда  
вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3.11. Агар Жамиятнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли  
мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш  
ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк  
иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга  
оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда  
расмийлаштирилган бўлиши зарур.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик  
кўрилаётганда Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг  
"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш  
тўғрисида"ги Қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмida назарда тутилган  
ҳолларда эса умумий йиғилишни чақираётган шахслар қуидагиларни  
белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилиш кун тартибини;

умумий йиғилишни ўтказиш учун Жамият акциядорларининг реестри  
шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига  
хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда  
акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар)  
рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу  
жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу  
сингари таърифларнинг) Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига  
киритилишига йўл қўйилмайди.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни  
ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва  
ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар  
акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти  
кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий  
веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек  
акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуидагилар кўрсатилиши керак:

Жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Жамият Кузатув кенгашининг директор (Бошқарув раиси), ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек Жамиятнинг кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

Жамият умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар акциядорларга кун тартиби, шу жумладан, Кузатув кенгашининг умумий йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.5. Агар, Жамият акциядорлари реестрида акцияларни номинал сақловчи шахс рўйхатга олинган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиши тўғрисидаги билдириш акцияларни номинал сақловчига жўнатилади. Акцияларни номинал сақловчи уни ўз мижозларига қонун ҳужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиши шарт.

4.6. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир

фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) кун тартибига фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига, уларни умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан, номзодлар кўрсатиш юзасидан таклиф киритишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси (тафтишчи) таркибиغا ўзлари таклиф этган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги хабар эълон қилинган санадан кейин уч кундан кечиктирмай ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

4.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.8. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 63-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида карор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 63-моддаси биринчи қисмида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги

Қонунининг 63-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган миқдордаги Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 63-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.9. Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият Кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Жамият Кузатув кенгашига ва Тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ**

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатувчи кенгаши қарорига кўра унинг ўз ташабуси асосида, Жамият Тафтиш комиссияси(тафтишчи)нинг ёзма талаби асосида, шунингдек, ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби асосида ўтказилади.

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Жамият Тафтиш комиссияси(тафтишчи)нинг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби асосида чакириш Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш хақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамиятнинг Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги фоизига эгалик

қилувчи акциядор (акциядорлар) талаби билан чақирилаётган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиладиган масалаларнинг таърифига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

5.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиқсан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичидаги Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.7. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 65-моддасининг биринчи қисмидаги назарда тутилган миқдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Конуни талабларига мувоффик бўлмаса.

5.8. Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Жамият кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари

умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тұғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мүмкін.

Жамият кузатув кенгашы Үзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида" ги Қонунида белгиланған муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тұғрисида қарор қабул қылмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қылган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қылған шахслар томонидан чақирилиши мүмкін. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлық күриш ва уни үтказиш билан боғлиқ харажатларнинг үрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мүмкін.

## **VI. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ КВОРУМИ**

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан үтказиш тугалланған пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини үтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини үтказишида кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.2. Агар акциядорларнинг үтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан үтказиш тугалланған пайтда Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

6.3. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини үтказиш тұғрисида хабар қилиш Үзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида" ги Қонунининг 62-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.4. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга қўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган акциядорлар үтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳукуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## **VII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИННИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ**

7.1. Қуидагилар акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари хисобланади: раёсат, саноқ комиссияси, котиб (котибият).

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши раёсати ва раиси Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми таркибига лавозимига кўра Кузатув кенгаши раиси киради.

7.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қиласи, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларининг тегишинча бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қиласи, акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни мухокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб бўлишини назорат қиласи.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси акциядорлар умумий йиғилишининг аудио-видео ёзуви ва интернет тармоғидаги трансляцияси масалаларига рухсат беради.

7.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши раиси Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси ва қарорини имзолайди.

7.6. Овозларни хисоблаб чиқиш, Акциядорлар умумий йиғилишида катнашиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар бериш учун Жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси ташкил этилади, унинг сони ва шахсий таркибини Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлайди.

7.7. Саноқ комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши лозим. Саноқ комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгаши аъзолари, жамият Тафтиш комиссияси аъзолари, коллегиал ижроия органи аъзолари, яккабошлиқ ҳукуқи асосидаги ижроия органи, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи, шунингдек номзодлари мазкур лавозимларга кўрсатиладиган шахслар кириши мумкин эмас.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш «Жамиятнинг овоз берувчи битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

7.9. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианtlаридан факат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар хисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар хисобга олинмайди.

7.10. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

7.11. Саноқ комиссияси ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариш борасида йиғилишнинг доимий фаолият кўрсатувчи мустакил ишчи органи ҳисобланади ва Кузатув кенгашининг таклифига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

7.12. Саноқ комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан саноқ комиссиясининг янги таркиби сайланадиган (ёки қайта сайланадиган) пайтгача ҳисобланади.

7.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Саноқ комиссияси Кузатув кенгашининг топшириғига кўра қуидаги вазифаларни амалга оширади:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш хукуқига эга бўлган акциядорларни қайд этиш рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини тақдим этади ва юборади, тақдим этилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини юритади.

7.14. Акциядорлар умумий йиғилишида олдинги Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган Саноқ комиссияси қуидаги вазифаларни амалга оширади:

умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказади;

ишончномалар ва улар томонидан бериладиган хукуқлар ҳисобини юритади;

овоз бериш бюллетенларини ва Акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа ахборот(материаллар)ини беради;

Акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлади.

7.15. Бўлиб ўтаётган Акциядорларнинг умумий йиғилишида таркиби тасдиқланган саноқ комиссияси:

Акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлади;

Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш хукуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини

тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукуқларини таъминлайди;

овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради;

овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

овоз бериш бюллетенларини Жамиятнинг архивига топширади.

## **VIII. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

8.1. Акциядорлар умумий йиғилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг ҳар бир умумий йиғилишида ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланади.

8.2. Кузатув кенгаши раиси умумий йиғилишнинг саноқ комиссиясини, раёсатини ва котибини (котибият - йирик акциядорлик жамиятлари учун тавсия этилади) сайлашни таклиф этади.

8.3. Акциядорлар ташаббусига кўра чақирилган умумий йиғилиш раёсати таркибини тасдиқлаш бўйича овоз бериш Жамият уставида белгиланган тартибда ўtkaziladi.

8.4. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилиш ишининг бошланиш ва тахминий тугаш вақтини, маъruzalarning давомийлигини ва танаффусларни, кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш тартибини, кун тартибидаги масалалар бўйича маъruzachilarning фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

8.5. Раис йиғилиш давомида юзага келувчи жорий масалаларни бош тамойилдан, яъни ҳар бир қатнашчининг акциядорларнинг умумий йиғилишида белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш хукуқидан фойдаланиши мумкинлиги тамойилидан келиб чиқсан ҳолда, яккабошлиқ билан ҳал этади.

8.6. Кун тартибидаги масалалар муҳокамасида қатнашишни истаганлар Акциядорларнинг умумий йиғилиши котибиятига муҳокамага қўйиладиган масалани кўrsatgan ҳолда, ёзма буюртма берадилар.

8.7. Жамият Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашган шахсга ушбу шахснинг ҳисобидан у тўлдирган бюллетеннинг нусхасини олиш имконини беради.

8.8. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилингандан кейин раис акциядорларнинг умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қиласи.

## **IX. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИГ**

## **БАЁННОМАСИ**

9.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн қундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш қун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маъruzаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

## **X. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ**

10.1. Жамият Кузатув кенгаши, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳолат қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс эттирилмаган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади.

10.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Акциядорларнинг умумий йиғилишида хозир бўлган, шунингдек йиғилишда қатнашмаган барча акциядорлар томонидан, уларнинг ўзларига тегишли қисми бўйича бажарилиши шарт.

